



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА БАКТОХОЛД®

Препаратнинг савдо номи: Бактохолд®

Дори шакли: капсулалар

Таркиби:

Ҳар бир 250 мг капсула қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: камида 250 000 000 (12,2-31,25 мг) *Bacillus Licheniformis* яшовчан бактериялари

ёрдамчи моддалар: лактоза, крахмал, магний стеарати.

Таърифи: оқ ёки-деярли оқ рангли кукун сақловчи қаттиқ желатин капсулалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: пробиотики

АТХ коди: A07FA

Фармакологик хусусиятлари

Тирик бактериялар, ичакка тушади ва стафилококklar, ачитқисимон замбуруғлар ва шунга ўхшаш каби патоген бактерияларга антагонистик таъсир кўрсатади ва бифидобактериялар, лактобациллалар, бактероидлар ва пептострептококklarни ўсишини рағбатлантиради, шундай қилиб ичак микрофлораси мувозанатини бошқаради. Препарат организм томонидан патоген бактерияларни йўқ қилиш учун антибактериал фаолликка эга моддаларни ишлаб чиқаришига ёрдам беради. Бундан ташқари, лактозани ачиши рН омилни кислотали томонга ўзгартиради. Кислотали атроф муҳит патоген ва шартли патоген бактериялар ўсишини бостиради ва овқат ҳазм қилиш ферментларининг оптимал таъсирини таъминлайди. Препарат В гуруҳи, К витаминлари, аскорбин кислотаси синтезида иштирок этади, шу тариқа организмнинг атроф муҳитнинг нохуш омилларига резистентлигини оширади, организмнинг иммун реактивлигини оширади, сафро пигментлари ва сафро кислотаси метаболизмида иштирок этади.

Қўлланилиши

- антибиотиклар ёки сульфаниламидлар, нур билан даволаш вақтида ва даволагандан кейин ингичка ва йўғон ичак дисбактериозини, саёҳатчилар диареясини даволаш ва олдини олиш;
- овқат ҳазм қилиш етишмовчилиги синдроми, диспепсия, таъсирланган ичак синдроми;
- диарея, метеоризм, қабзият;
- гастроэнтерит, колит, қариялар ичаги синдроми (сурункали атрофик гастроэнтерит), носпецифик ярали колит, Крон касаллиги;
- иқлимни ўзгаришининг оқибатида юз берган МИЙ томонидан бузилишлар;
- ўт қопи ва жигарнинг энтероген касалликларида қўлланади.

Қўллаш усули дозалари

Ичга буюрилади.

Катталар: 2 капсуладан кунига икки марта.

7 ёшдан ошган болалар: 1 капсуладан кунига уч марта.

Қабул қилишнинг биринчи куни препаратнинг дозасини икки марта ошириш керак.

Ютиши қийинлашган беморлар: капсулани очиб ва унинг ичидагиси илиқ қайнатилган сув ёки сутда эритиб қабул қилинади.

Ўткир диареяда даволаш курси 3-5 кун, сурункали диареяда – 1-3 ой, антибиотикларни қабул қилиш билан боғлиқ диареяда – 5-7 кун, таъсирланган ичак синдромида – 2-3 ой, жигар циррози ёки жигар энцефалопатияси чақирган диареяда – 1-2 ой, химиятерапия ва нур билан даволашдан кейин ёки операциядан кейин ичак дисбактериозида – 1-2 ой, дисбактериозни олдини олишда – заруратга қараб буюрилади.

Ножўя таъсирлари

Препарат яхши ўзлаштирилади, аммо кам ҳолларда қабзият кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига ёки сут маҳсулотларига ўта юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Бошқа дори препаратлари билан ўзаро таъсири

1. Микробларга қарши препаратлар билан бирга қўлланилганда препаратнинг терапевтик самарадорлиги пасайиши мумкин, шунинг учун уларни бир вақтда қабул қилиш мумкин эмас. Зарурати бўлганида препаратни 3 соат интервал билан қабул қилиш мумкин.
2. Висмут, дигаллат кислотаси, фаоллаштирилган кўмир ёки спиртли настойкалар микроорганизмларни ингибиция қилиши ва адсорбция қилиши мумкин, шунинг учун препаратни юқоридаги моддалар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.
3. Бошқа дори воситалари билан бир вақтда қўлланилганда, препаратлар бир-бирлари билан ўзаро таъсирлашиши мумкин, тўлиқ маълумот олиш учун шифокор билан маслаҳатлашинг.

Махсус кўрсатмалар

1. Препарат тирик микроорганизмлар сақлайди, шунинг учун юқори ҳароратдан сақланиш керак, ичидагисини эритиш учун қўлланадиган сувнинг ҳарорати 40°C дан ошмаслиги керак.
2. Препаратни антибактериал воситалар билан бирга қўллашдан сақланиш керак.
3. Болалар препаратни катталар кузатуви остида қабул қилишлари керак.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик вақтида ва лактация даврида Бактохолд препаратини қўллаш заруратида кўрсатмалар бўйича буюрилади.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Махсус кўрсатмалар йўқ.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиш симптомлари таърифланмаган.

Чиқарилиш шакли

20 еки 60 капсуладан полиэтилен қопқоқли ва ҳимоя плёнкали пластик флаконда. 1 флакондан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон кутида.

Сақлаш шароити

Курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин, 10-30°C ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

30 ой. Яроқлилик муддати ўтгандан кейин ёки препаратнинг ташқи кўриниши ўзгарганда қўлланилмасин.

Дорихонадан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Northeast Pharmaceutical Group Shenyang No. 1 Pharmaceutical Co., Ltd.

Манлизи: Куньминху кўч., №8, Иқтисодий ва технологик ривожланиш зонаси, Шэньян ш., Хитой

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

«RAIN SEN DA» МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сергели тумани, Учувчилар шаҳарчаси мавзеси, 132., www.rainsenda.uz.